

## Вояга Етмаганларнинг Меҳнатига Бўлган Ҳуқуқларини Таъминлаш Ва Уларни Ижтимоий Ҳаётга Мослаштириш

Алиев Махсуджон Анварович

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти

**Аннотация:** Ушбу мақолада дунё мамлакатлари бўйича қонуний меҳнат қилиш ёши, айрим мамлакатларда вояга етмаганлар меҳнат қилиши мумкин бўлган ёш ва уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш масалалари ҳамда бу борада мавжуд халқаро стандартлар қоидалари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида ўрганилган. Ўрганиш натижасида вояга етмаганлар меҳнатига оид меъёрларни янада такомиллаштириш орқали уларни фаровон ҳаёт кечириши, баркамол шахс бўлиб етишиши, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишини қисқариши ҳамда бу орқали мамлакат иқтисодиёти ва эртанги ҳаёти янада тараққий этишига эришилади деган хулосага келинган.

**Калит сўзлар:** болалар меҳнати, қонуний меҳнат ёши, меҳнатга лаёқатли аҳоли, конвенция, қонун, глобал, бола ҳуқуқлари, тавсия, ратификация.

### Кириш

Ҳозирги даврда глобал нотинчликнинг кучайиши ҳар бир давлатнинг иқтисодиётига макро ва микро даражада ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ушбу шароитда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлаш давлатлардан янада кўп масъулият ва кучли адолатли сиёсат юритишни талаб этмоқда.

Маълумки, бутун инсоният манфаати учун дунё мамлакатларини бирлаштириш, умумий муаммоларини муҳокама қилиш ва ечимларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида 1945-йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилган бўлиб, мазкур ташкилот томонидан инсон ҳуқуқларига оид бир қатор халқаро стандартлар ишлаб чиқилди ҳамда юзага келаётган глобал муаммоларни ҳал этиб бориш ташкилотнинг асосий вазифаси қилиб белгилаб олинди [1].

Шу аснода БМТ томонидан барча мамлакатларда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини бир хил тарзда таъминлаш мақсадида халқаро универсал ҳужжат ҳисобланган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” (1948), “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида” (1966) ҳамда “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги (1966) халқаро пактлар қабул қилиниб, иштирокчи давлатларга бу борада турли тавсиялар бериб келинмоқда.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларини таъминлашда алоҳида ёндашиш талаб этадиган ногиронлар, аёллар, пенсионерлар ва болаларни ҳимоя қилиш уларни ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини оммавий таъминлаш, меҳнатга бўлган ҳуқуқларини ҳеч бир истисносиз амалга ошириш ҳамда бошқа йўналишларда ушбу ташкилот томонидан бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, бу борада ҳам иштирокчи давлатларга зарур тавсиялар бериб келинмоқда.

Ижтимоий ҳаётда болаларга нисбатан муносабатларни тартибга солиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шарт-шароит яратиш ҳамда уларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан “Болалар ҳуқуқлари

тўғрисида”ги (1989) ҳамда уларнинг меҳнатига оид муносабатларини тартибга солишда бир қатор хусусан ташкилотнинг ихтисослаштирилган тузилмаси ҳисобланган Халқаро меҳнат ташкилотининг “Энг кичик ёш тўғрисида”ги (1973) ва “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги (1999) конвенциялар қабул қилинган бўлиб, иштирокчи давлатлардан болаларни мустақил шахс сифатидаги ҳуқуқларини ҳурмат қилинишини ва меҳнатга бўлган ҳуқуқларини кафолатли тарзда таъминлашни талаб этади.

Мазкур мақола юқоридаги конвенциялардан келиб чиқиб айнан вояга етмаганларнинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган меҳнатга оид ҳуқуқлари, уларнинг ижтимоий ҳаётга мослаштириш масалалари, ишлаши учун ёш чегаралари билан боғлиқ хорижий мамлакатлардаги айрим жихатлар ҳамда вояга етмаганлар меҳнатининг миллий қонунчиликдаги тутган ўрни ва долзарб муаммоларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилини, усул ҳамда услубларини ҳамда мавжуд муаммоларга умумий тавсияларни ўз ичига олади.

### **Асосий қисм**

Маълумки инсон дунёга келиши биланоқ у билан бирга табиий эҳтиёжлари ҳам юзага келади. Ўсиш даврида эса эҳтиёжлар янада кенгайиб, шаклланиб боради ва қайсидир босқичда шахс мустақил равишда ўз эҳтиёжларини ўзи қондира бошлайди. Мазкур жараён шахснинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, шахслар ушбу ҳуқуқлардан улғайишнинг ҳар бир босқичида мунтазам фойдаланади.

Инсонлар қандай ҳуқуқларга ва эркинликларга эга эканлиги халқаро даражада аниқ қилиб белгиланган бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да ўз ифодасини топган.

Декларациянинг 23-моддасига кўра, инсонлар меҳнатга оид куйидаги ҳуқуқларга эга эканлиги келтириб ўтилган:

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга;
2. Ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга;
3. Ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилувчи даромад олиш ҳуқуқига эга.
4. Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга [2].

Ушбу ҳуқуққа бошқалар каби вояга етмаганлар ҳам эга бўлиб, улар ҳам ўз навбатида маълум шароитда ва маълум вақтларда меҳнат қилиши мумкин.

Шахс меҳнати орқали ижтимоийлашади, жамиятда ўз ўрнига эга бўлади, жамият аъзолари билан муносабатга киришади ва меҳнат бозори иштирокчисига айланади. Бу эса давлатдан меҳнатга лаёқатли шахсларни иш билан таъминлаш, меҳнат қилган ҳар бир шахсни фаровон ҳаёт кечирishi, эркин касб танлаши, муносиб шароитларда ишлаши ва камситилишларга йўл қўйилмаслигини олдини олиш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилашни тақозо этади.

Чунки, меҳнат орқали шахс фаровон ҳаётга эришса давлатда иқтисодий юксалиш бўлади, тараққиётнинг ривожланиши янада тезлашади.

Халқаро меҳнат ташкилотига кўра, “Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўзгариши меҳнат бозори ва иқтисодиётга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўсиб бораётгани иқтисодий ўсиш имкониятларини беради, шу билан бирга иш ўринларини яратиш ва меҳнат бозорига янги иштирокчиларни интеграциялашуви учун қийинчиликлар туғдиради.

Аксинча, меҳнатга лаёқатли аҳолининг қисқариши иқтисодий ўсиш, рақобатбардошлик, аҳолининг қарамлиги ва бошқалар учун муаммоларни келтириб чиқариши мумкин” [3].

Меҳнатга лаёқатли аҳоли деганда маълум ёшдаги меҳнат қилиши мумкин бўлган шахслар тушунилади.

Меҳнат қилиш мумкин бўлган шахсларнинг ёши бўйича Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 1973-йилда “Энг кичик ёш тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинган бўлиб, мазкур конвенцияни ратификация қилган 176 та давлатларнинг 32 фоизида 14 ёшдан, 43 фоизида 15 ёшдан ва 25 фоизида 16 ёшдан бошлаб вояга етмаганлар энгил ишларда, соғлиғи ва ахлоқий ривожланишига ҳамда таълим олиш жараёнини бузмайдиган ўқишдан бўш вақтларда ишлаш ҳуқуқига эга [4].

Мазкур конвенциянинг 3-моддаси 1-бандига асосан “Ўз хусусияти ёки амалга ошириладиган шароитига кўра ўсмир соғлиғи, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иш турига ёки ёлланма иш турига қабул қилиш учун энг кичик ёш ўн саккиз ёшдан кам бўлмаслиги керак”лиги, 3-бандига асосан ушбу модда 1-банди қоидаларидан қатъий назар, “Миллий қонун ҳужжатлари ёки ваколатли ҳокимият органи иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашилгандан сўнг ўн олти ёшдан кичик бўлмаган шахсларга ишлашга ёки ёлланиб ишлашга, уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ва маънавияти тўла муҳофаза этилиши ва улар етарлича маҳсул таълим ҳамда фаолиятнинг тегишли соҳаси бўйича касбий тайёргарлик олишлари шарти билан рухсат беришлари мумкин”лиги келтириб ўтилган.

Конвенциянинг 7-моддаси 1-бандига “Миллий қонун ҳужжатлари ўн уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган шахсларга энгил ишларда ишлашга ёки ёлланиб ишлашга рухсат этиши мумкин, агар бу:

- а) уларнинг соғлиғи ва ривожланиши учун зарарли бўлмаса;
- б) уларнинг мактабга қатнашига, уларнинг ваколатли ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган касбга йўналтириш ёки касбий тайёргарлик дастурларида иштирок этишларига, ёки уларнинг олган ўқувларидан фойдаланиш лаёқатига зарар етказмайдиган бўлса” [5].

Ўзбекистонда мазкур конвенциялар ратификация қилинган ва тўлақонли аъзоси сифатида конвенция қоидалари миллий қонунчиликка имплементация қилинган бўлиб, 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишлаши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий тартиб қоидалар белгилаган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ёш бўйича аҳоли бандлигига нисбатан ишсизлик даражаси тўғрисидаги давлатлар ўртасидаги тахминий кўрсаткичларга кўра, 2023(2024) йилда 15-24 ёшли ишсизлар Германияда 6,6(6,3) фоизни, Қозоғистонда 3,6(3,6) фоизни ва Ўзбекистонда 10,6(10,5) фоизни ташкил этган [6].

Вояга етмаганлар меҳнат қилиши билан боғлиқ ёш тўғрисида сўз борганда дунё мамлакатларида турлича ёшдан улар ишлаши мумкин.

Хусусан Америка Қўшма Штатларида болалар меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ чоралар юмшатишмоқда. Хусусан, 2023 июнь ойига келиб Arkansas, Ayova, Nyu-Jersi, Nyu-Xempshir ва бошқа штатларда болалар меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ чоралар юмшатишган.

Қонунлар асосан 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар учун иш вақтларини ҳамда ишлаши мумкин бўлган ишлар рўйхатини кенгайтиришни, ваколатли идоралардан рухсатнома олиниши лозим бўлган ишлар бўйича рухсат бериш тартибини бекор қилишни назарда тутди.

Буни штатлар иқтисодиётда ишчи кучи етишмаслиги, ноқонуний болалар меҳнатини олдини олиш ва бу борада ота-оналар ҳам ҳуқуққа эгаллигини таъкидлаб, уларнинг розилиги билангина вояга етмаганлар ишлаши мумкинлигини кўрсатиб келишмоқда.

Шунингдек, АҚШда меҳнат қонунчилиги энгиллаштирилиши билан бир қаторда жавобгарлик ҳам кучайтирилган [7].

Германида эса вояга етмаган шахслар 15 ёшдан бошлаб ишлаши мумкин. Алоҳида ҳолларда 13 ёшдан ошган вояга етмаганлар ота-онасининг ҳамда қонуний вакилнинг рухсати билан уларнинг соғлиғига ва ўқишига зарар етказмайдиган енгил ишларда ишлашига рухсат берилган [8].

Қозоғистон Республикасида вояга етмаганлар 16 ёшдан бошлаб ишлаши мумкин, 14 ёшга тўлган вояга етмаганлар эса ўқишдан бўш вақтларда соғлиғига зарар етказмайдиган ва ўқув жараёнини бузмайдиган ишларни бажаришига рухсат берилган [9].

Ўзбекистонда ҳам вояга етмаганлар меҳнати қонун ва қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасига асосан “Ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга.

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан бошлаб йўл қўйилади.

Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Давлат ўн саккиз ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа чораларни кўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини кафолатлайди” деб кўрсатиб ўтилган [10].

Шунингдек, мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексида ҳам келтириб ўтилган.

Бундан ташқари, меҳнат кодексининг 118-моддаси 3-бандида “Маданий-томоша ташкилотларида, телевидение, радиоэшиттириш ташкилотларида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек профессионал спортчилар билан ота-онанинг ҳар иккисининг (ота-она ўрнини босувчи шахсининг) розилиги ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан, соғлиғига ва маънавий камол топишига зиён етказмасдан асарларни яратиш ва (ёки) ижро этишда (кўргазмага қўйишда) иштирок этиш учун ўн беш ёшга тўлмаган шахслар билан меҳнат шартномасини тузишга йўл қўйилади. Кўрсатилган ёшга тўлган шахслар қабул қилиниши мумкин бўлган ишлар, касблар, лавозимлар рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама Республика комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Бундай ҳолда ходимнинг номидан меҳнат шартномасини унинг ота-онаси (ота-онасининг ўрнини босувчи шахс) имзолайди. Васийлик ва ҳомийлик органининг рухсатномасида ҳар кунлик ишнинг энг кўп йўл қўйиладиган давомийлиги ҳамда иш бажарилиши мумкин бўлган бошқа шартлар кўрсатилади” деб келтириб ўтилган [11].

Статистик маълумотларга кўра, 2024 йил бошига нисбатан 15 ёшгача бўлган болалар Германияда 11.169.610. нафарни (аҳолисига нисбатан 13,3 фоизни), Қозоғистонда 4.279.888. нафарни (аҳолисига нисбатан 21,6 фоизни) ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда 9.342.159. нафарни (аҳолисига нисбатан 26,5 фоизни) ташкил этган [12].

Мазкур статистикани таҳлиliga кўра, Германия вояга етмаганлар аҳолисининг 13,3 фоизини ташкил этса ушбу кўрсаткич Қозоғистонда 21,6 фоизни ташкил этган.

Кўп болали ҳисобланган мамлакатимизда эса мазкур кўрсаткич аҳолининг 26,5 фоизини ташкил этган бўлиб, уларни маълум ёшдан бошлаб ўз хоҳишига қараб касб-ҳунарга тайёрлаш ва меҳнат қилиши учун шароитлар яратиш долзарб аҳамият касб этади.

Хулоса сифатида шунини келтиришимиз мумкинки тарихдан вояга етмаганлар меҳнати қораланган бўлсада, бугунги ҳуқуқий онг ривожланган жамиятда улар ҳам меҳнат қилиши, эркин касб танлаши ихтиёрий эканлиги ва бу уларнинг энг яхши манфаатларига хизмат қилиши халқаро ҳужжатларда мустақамлаб қўйилган бўлиб, уларни меҳнат қилишига салбий томондан ёндашмаслик лозимлигини талаб этади.

Вояга етмаганларни ёшлиқдан меҳнатга таёрлаш орқали бир қанча юзага келаётган муаммолар ҳал этилади:

Биринчидан, вояга етмаганларни 14 ёшдан бошлаб уларнинг соғлиғига зарар етказмайдиган ва таълимини бузмайдиган ишларга ота-онанинг рухсати билан чегараланган шароитларда ишлашнинг жорий этиш орқали уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш янада тезлашади, бўш вақтларидан унумли фойдаланишга эришилади;

Иккинчидан, вояга етмаганлар ўрсатида назоратсизликни олди олинадиган ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликларни содир этиш бир мунча қисқаради;

Учинчидан, меҳнатга лаёқатли ҳар бир шахс фаровон ҳаёт кечира бошлайди, мамлакат иқтисодий ва эртанги ҳаёти эса янада тараққий этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Nations, U. (1945). Peace, dignity and equality on a healthy planet. Получено из United Nations: <https://www.un.org/en/about-us>.
2. Assembly, U. N. (10 12 1948 г.). The Universal Declaration of Human Rights. Получено из United Nations: <https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights>.
3. <https://ilostat.ilo.org/topics/population-and-labour-force>.
4. [https://en.wikipedia.org/wiki/Minimum\\_Age\\_Convention,\\_1973](https://en.wikipedia.org/wiki/Minimum_Age_Convention,_1973) .
5. International Labor Organization, C138 - Minimum Age Convention, 1973, article 3,7.
6. [https://www.ilo.org/shinyapps/bulkexplorer16/?lang=en&segment=indicator&id=UNE\\_2EAP\\_SEX\\_AGE\\_RT\\_A](https://www.ilo.org/shinyapps/bulkexplorer16/?lang=en&segment=indicator&id=UNE_2EAP_SEX_AGE_RT_A).
7. John A. Fliter, associate professor of political science, Kansas State University and Betsy Wood, assistant professor of American history, Bard College This article is States Are Loosening Restrictions on Child Labor, June 26, 2023 y.
8. Bunderministerium de Justiz, Verordnung über den Kinderarbeitsschutz (Kinderarbeitsschutzverordnung-KindArbSchV), § 2 Zulässige Beschäftigungen.
9. Трудовой кодекс Республики Казахстан статья 31, 23.11.2015 г № 414-V ЗРК, <https://adilet.zan.kz/eng/docs/K1500000414>
10. “Бола ҳуқуқлар кафолатлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Қонуни 07.01.2008 ЎРҚ-139-сон, 20-модда Лех уз шарҳи.
11. Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодекси 30.04.2023 й, Лех уз шарҳи.
12. <https://countrymeters.info/ru>.